

“Агробанк” АТБ
Акциядорларининг
2016 йил 24-июндаги
33-сонли йиғилиш қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Агробанк” АТБ
Кенгаши йиғилишининг
2016 йил 6-июндаги
10/3- сонли қарори билан
“МАЪҚУЛЛАНГАН”

**Банкнинг 2017-2027 йилларга мўлжалланган
узоқ муддатли ривожланиш
СТРАТЕГИЯСИ**

Тошкент-2016

	Муқаддима	
I боб.	Умумий қоидалар	2
II боб.	Мамлакатнинг макроиқтисодий ривожланиши ва банк тизими фаолиятининг таҳлили	3
III боб.	Банкнинг молия бозордаги мавқеи ва рақобатдошлик имкониятлари.....	7
IV боб.	Стратегиянинг асосий йўналишлари ва кўрсаткичлари.....	11
V боб.	Молиявий стратегия.....	17
VI боб.	Корпоратив бошқарув стратегияси.....	19
VII боб.	Яқуний қоидалар ва иловалар.....	21

“Агробанк” акциядорлик тижорат банкнинг стратегик ривожлантириш режаси банкнинг молиявий ҳолатини барқарорлигини ҳамда иқтисодий кўрсаткичларининг ўсишини таъминлашга қаратилган.

I боб. Умумий қоидалар

1-§. Умумий тушунчалар

2-§. Умумий вазифалар

1-§. Умумий тушунчалар

1. Стратегия банкнинг барча сиёсатларини умумлаштирган ҳолда уларнинг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, истиқболли ривожланишининг танланган стратегияси ҳамда тактикасини акс эттиради.

2. Стратегия банкнинг ликвидлилик ва даромадлилик кўрсаткичлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш, таваккалчиликларни бошқариш, банкнинг рақобатдошлилигини ошириб бориш ва бошқа шу каби тадбирларни таъминлашга қаратилган.

2-§. Умумий вазифалар

3. Мазкур Стратегия банк фаолияти асосий кўрсаткичларини ўз ичига олади ва банкнинг истиқболли ривожланиши йўналишлари ҳамда вазифаларини умумлаштирувчи асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

4. Стратегия банкни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаб беради ҳамда банк бизнес-режасини ҳар йили ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади. Банк Бошқаруви банкнинг ривожланиш стратегиясида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини доимий асосда мониторинг қилиб боради.

II боб. Мамлакатнинг макроиқтисодий ривожланиши ва банк тизими фаолиятининг таҳлили

- 1-§.Мамлакатнинг макроиқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг таҳлили
- 2-§.Банк тизими фаолиятининг таҳлили
- 3-§.Банк жорий молиявий ҳолатининг таҳлили

1-§. Мамлакатнинг макроиқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг таҳлили

5. Ўтган давр мобайнида мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичларининг барқарор ўсиши таъминланди. Хусусан, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,0 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 8,0 фоизни, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши 6,8 фоизни, хизматлар ҳажмининг ўсиши 14,0 фоизни, қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг ўсиши 17,8 фоизни, чакана товар айланмаси ўсиши 15,1 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди.

Энг жиддий эътибор модернизация бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, иқтисодиёт тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, мамлакат иқтисодиётининг таркибий ўзгартиришга йўналтирилган инвестицияларни жалб қилиш борасидаги ишларга катта эътибор қаратилди. Шу мақсадлар учун 2015 йил давомида барча молиялаштириш манбалари ҳисобига 15,8 миллиард АҚШ доллари эквиваленти миқдорида инвестициялар жалб қилинди ва ўтган йилга нисбатан 9,5 фоизга ўсди. Шундан 3,3 миллиард АҚШ доллари ёки барча инвестицияларнинг 21 фоизидан кўпроғини хорижий инвестициялар ташкил этди.

Барча инвестицияларнинг 67,1 фоизи қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Бу эса 2015 йилда қурилиш ишларини тугатишга ва умумий қиймати 7,4 миллиард долларга тенг 158 та йирик ишлаб чиқариш объектларини таъминлашга ёрдам берди.

Қабул қилинган чора-тадбирлар туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилда 31 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб 56,7 фоизни ташкил этган ҳолда 1,8 баробарга ўсганлигини кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда бу соҳада барча саноатнинг учдан бир қисми ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, 2015 йил давомида лизинг хизматлари бозори етарли барқарор суръатларда ривожланди. 2016 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда 92 та лизинг берувчилар фаолият кўрсатмоқда. Лизинг

ташкilotлари томонидан 5275 тадан ортиқ лизинг операциялари амалга оширилиб, лизинг битимлари учун 722,8 млрд.сўмдан ортиқ пул маблағлари ажратилган. Жами лизинг берувчиларнинг лизинг портфели 2016 йил 1 январь ҳолатига 34573 та лизинг объектлари бўйича 1,7 трлн.сўмни ташкил этди.

Аҳоли даромадлари ҳам сезиларли даражада ўсиб, ички истеъмол талабини оширишга ёрдам берди. Хусусан, чакана товар айланмаси ҳажми бир йил мобайнида 15 фоизга ҳамда пуллик хизматлар эса 11 фоизга ошди.

2-§.Банк тизимининг таҳлили

6.Ҳисобот йилида банк тизимининг капитализация даражасини ошириш, унинг ликвидлигини мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди.

Самарали чора-тадбирлар қабул қилиниши натижасида банк тизимининг кўрсаткичлари нафақат умум қабул қилинган жаҳон стандартларига жавоб беради, балки айрим йўналишлар бўйича устунлик ҳам қилади. 2015 йилда банк тизимининг капиталлаштириш даражасини ошириш ва банкларнинг инвестицион фаоллигини мустаҳкамлаш таъминланди.

Банк тизимининг жами капитали ўтган йилга нисбатан 23,3 фоизга ўсди ва 7,8 трлн. сўмга етди. Энг муҳими, охириги 5 йил ичида ушбу кўрсаткич бутун банк тизими бўйича 2,4 баробарга ўсди. Шу билан биргаликда, банк тизимининг капитал етарлилик кўрсаткичи 2015 йил якунлари бўйича қарийб 24,0 фоизни ташкил этиб, умум қабул қилинган халқаро стандартлар меъёридан 3 баробарга кўп.

Банк тизимининг жорий ликвидлилик кўрсаткичи бир неча йиллардан бери 64,5 фоиздан ошиб бормоқда, яъни халқаро стандартлар бўйича ўрнатилган минимум даражадан 2 баробар кўп.

Таъкидлаш керакки, банк активлари ўтган йилга нисбатан 25,1 фоизга ошди ва 2015 йил якунлари бўйича 65,2 трлн.сўмни ташкил этди.

“Moody’s” халқаро рейтинг агентлиги мамлакатимиз банк тизимининг ривожланиш истиқболларини 6 йилдан буён “барқарор” прогнози билан баҳолаб келмоқда. Шунингдек, “Standard & Poor’s” ва “Fitch Ratings” рейтинг агентликлари ҳам банк тизимини “барқарор” деб баҳолаган.

Инвестицион мақсадлар учун берилган кредитлар кўлами 2014 йилга нисбатан 1,2 баробарга ошди ва 2016 йил 1 январь ҳолатига 10,2 трлн. сўмни ташкил этди.

Президентимизнинг қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорларга кўпроқ эркинлик беришга йўналтирилган фармон ва

қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар кўлами ўтган йилга нисбатан 1,3 баробарга ошди ва 2016 йил 1 январь ҳолатига 12,1 трлн. сўмни ташкил этди.

Тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун берилган кредит маблағлари ўтган йилга нисбатан 1,3 баробарга ошди ва 1,2 трлн.сўмни ташкил этди.

Банклар ресурс базасини ошириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар банклардаги депозитларнинг ўсиши таъминлади. Жумладан, депозитлар кўлами ўтган йилга нисбатан 28 фоизга ошди ва 35,6 трлн. сўмни ташкил этди.

2015 йил якунлари бўйича молия хизматлари умумий таркибида банк хизматлари улуши 88 фоизни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 1,3 баробарга ошди. Бу аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тақдим этилаётган банк хизматларининг сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасидир.

2015 йилда ҳам пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Бунинг натижасида, 2015 йил якунлари бўйича бутун Ўзбекистон Республикаси бўйича пластик карточкалар сони 16,3 млн.дан ортди. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган терминаллар сони эса 183,1 минг донага етди.

3-§. Банкнинг жорий молиявий ҳолатининг таҳлили

7.Мамлакат иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, белгиланган вазифаларни бажариш, банкнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик жиҳатдан янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича изчил чоралар амалга оширилди.

Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳоловчи кўрсаткичлардан бири бўлган активлар 2016 йилнинг 1-январь ҳолатига 3192,5 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 293,4 млрд. сўмга ёки 110,1 фоизга ошди. Бунда даромад келтирадиган активлар 2436,2 млрд. сўмни ҳамда даромад келтирмайдиган активлар 756,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Таъкидлаш лозимки, даромад келтирадиган активлар миқдори йил бошига нисбатан 230,9 млрд. сўмга, даромад келтирмайдиган активлар эса 64,2 млрд. сўмга ошган. Даромад келтирадиган активларнинг жами

активлардаги улуши 75,8 фоиздан 76,0 фоизга ошган бўлса, даромад келтирмайдиган активлар бўйича 24,2 фоиздан 24,0 фоизга камайган.

Молиявий бозорнинг юридик ва жисмоний шахсларни кредитлаш сегментига активларнинг 69,4% жойлаштирилган бўлиб, кредит портфели жорий йил бошига нисбатан 15,8 фоизга ёки 302,2 млрд. сўмга ошди ҳамда 2213,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Банк ўз капитали ҳисобидан амалга оширган инвестициялари қолдиғи ҳисобот санасига 72,5 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 0,8 млрд. сўмга ёки 101 фоизга ўсди.

Иқтисодий ночор корхоналарда ишлаб чиқаришни қайта тиклаш, модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда қўшимча иш ўринларини ташкил этиш мақсадида банк томонидан жами 14 та корхона банк балансига қабул қилинган. Банк балансига олинган иқтисодий ночор корхоналарнинг барчасида ишлаб чиқариш фаолияти тикланиб, 76,6 млрд. сўмга бозор қийматида баҳоланди ва босқичма-босқич тўлаш шарти билан 80,0 млрд. сўмга салоҳиятли инвесторларга сотилди. Бугунги кунда ишлаб чиқилган бизнес-режа кўрсаткичларига асосан фаолияти тикланган корхоналарда 117,8 млрд. сўм ҳажмида маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, шундан 22,9 млн. АҚШ доллари экспортга йўналтирилди.

Банк томонидан кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 930,6 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, ушбу ажратилган кредитлар ҳисобига 13,5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Банкнинг ресурс базаси 3105,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 372,9 млрд. сўмга ёки 13,6 фоизга ошди. Бунда, халқаро молия институтлари, хорижий банклар ҳамда турли жамғармалардан жалб қилинган мақсадли кредит маблағлари жами ресурс базасининг 10 фоизини ёки 317,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Банкнинг жамланма капитали 469,7 млрд. сўм миқдорида шаклланди. Бунда, банкнинг Устав капитали ҳисобот санасига 317,6 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 54,1 млрд. сўмга ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1438-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли омонатлари ва хўжалик юритувчи субъектлар депозитлари қолдиғини 2011-2015 йилларда 2,5 мартага ошириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида 2016 йилнинг 1-январь ҳолатига жами депозитлар 1538,1 млрд. сўмни ташкил этди. Банкнинг жами депозитлари таркибида юридик шахсларнинг

депозитлари 436,3 млрд. сўмни ёки 28 фоизни ҳамда аҳоли омонатлари ва пластик карточкалардаги маблағлар 1101,9 млрд. сўмни ёки 72 фоизни ташкил этди.

III боб. Банкнинг молия бозоридаги мавқеи ва рақобатдошлик имкониятлари

- 1-§. Банкнинг молия бозоридаги мавқеи
- 2-§. Рақобатдошлик имкониятлари
- 3-§. Банк фаолиятининг асосий тамойиллари

1-§. Банкнинг молия бозоридаги мавқеи

8. Иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалик тармоғини қўллаб-қувватлаш бўйича банкнинг етакчилиги, кенг тармоқли филиаллар тизимига эгаллиги, барқарор капиталлашув даражаси ва анъанавий мижозлар базасига эгаллиги, хорижий банклар ҳамда молия институтларининг жалб этилган кредит линиялари мавжудлиги банкнинг рақобатдошлик имкониятларини кенгайтиради.

Банк мамлакат ҳудудида кенг қамровли тизимга, жумладан 13 та ҳудудий бошқарма, 177 та шаҳар-туман филиаллари ҳамда 170 та банк шохобчалари (минибанклар), 250 та махсус ва кўчма кассаларга эга. Банк томонидан 250 мингдан ортиқ барча мулкчилик шаклидаги юридик шахсларга ва 3 млн. 400 мингдан ортиқ жисмоний шахслардан иборат мижозларга комплекс банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Банкнинг кенг қўламдаги чакана ва корпоратив хизматларни кўрсата олиш имкониятлари, кредит портфели ҳамда молиялаштириш базасининг доимий кенгайтирилиши ва диверсификацияланиши мамлакатнинг банк секторида етакчи мавқеини эгаллаш имкониятини бермоқда.

2015 йил якунига кўра, Агробанк мамлакат банк секторида қуйидаги етакчи мавқеларни эгаллади:

- а) активлар бўйича мавқеи 6, банк секторидаги улуши – 6,5%;
- б) акциядорлик капитали бўйича 3, банк секторидаги улуши – 8,1%;
- в) кредит портфели бўйича мавқеи 5, банк секторидаги улуши - 7,5%;
- г) жалб қилинган маблағлар бўйича мавқеи 6, банк секторидаги улуши 6,4%;
- д) аҳолидан жалб қилинган депозитлар бўйича мавқеи 2, банк секторидаги улуши - 14,5%.

“Moody’s” ҳамда “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентликлари банк фаолияти натижаларини белгиланган рейтинг шкалалари бўйича “Барқарор” истиқболи билан қайта тасдиқлади.

“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги томонидан миллий кўрсаткичлар

бўйича банкнинг 2014 йил якунлари фаолияти натижаларини энг юқори “uzA+” “Барқарор” истиқболи билан баҳоланди.

2-§. Рақобатдошлик имкониятлари

9. Банк ўзининг молия бозори ва банк секторидаги рақобатбардошлик имкониятларини қуйидаги омиллар орқали баҳолайди:

а) кучли томонлар ва имкониятлар:

- 1) узок тарихга эга бўлган банк тажрибасининг мавжудлиги;
- 2) мамлакат иқтисодиётининг аграр соҳасини ривожлантиришда ҳукуматнинг “молиявий агенти” вазифасини бажариши;
- 3) мамлакатнинг барча ҳудудларини географик жиҳатдан қамраб олган филиаллар ва минибанкларнинг мавжудлиги;
- 4) “Ўздонмахсулот” ва “Ўзпахтасаноат” каби корпоратив миқозларга банк хизматларининг кўрсатилиши;
- 5) ташаббускор ва юқори тажрибага эга бўлган кадрларнинг мавжудлиги;
- 6) халқаро молия институтлари билан доимий алоқаларнинг ўрнатилганлиги;
- 7) салоҳиятли таъсисчиларнинг мавжудлиги ва уларнинг қўллаб-қувватлаши;
- 8) барқарор ўсиб бораётган капитал базанинг мавжудлиги;
- 9) диверсификацияланган кенг қамровли миқозлар базасининг мавжудлиги;
- 10) мавжуд ахборот технологияларидан самарали фойдалана олиш қобилияти;
- 11) банк стратегияси нафақат ўзининг тижорат фаолиятини юритишга, шунингдек мамлакат иқтисодиётининг аграр секторини барқарор ривожлантиришга ҳамда республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишга қаратилган.

б) салбий томонлар:

- 1) филиаллар ва минибанклардан тўлақонли фойдалана олмаслик;
- 2) банкнинг юридик шахсларнинг муддатли депозитларига ҳамда банклараро депозитларга қарамлиги;
- 3) кредит портфелининг асосий қисми қишлоқ хўжалик соҳаси кредитларида жамланганлиги;
- 4) кредит портфелидаги муаммоли кредитлар салмоғи;
- 5) филиаллар даромадлигининг пастлиги;
- 6) филиалларда маркетингни яхши ривожланмаганлиги;

7) замонавий банк хизматларининг тезкорлик билан жорий қилинмаслиги;

8) мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва суръатининг пастлиги;

9) банкнинг асосий вазифаларидан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни молиялаш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли табиий офатлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига зарар етказилиши бўйича таваккалчиликнинг мавжудлиги.

3-§. Банк фаолиятининг асосий тамойиллари

10. Банк мамлакат молия-кредит тизимининг ажралмас қисми ҳисобланиб, тизимдаги етакчиликни қўлдан бой бермай келмоқда. Банк бугунги кунда ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, шунингдек қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, жумладан фермер хўжаликларини ривожлантиришга ҳамда қишлоқ хўжалик соҳасига чет эл инвестицияларини фаол жалб этишга қаратмоқда.

Бунда, **шиоримиз** - халқ фаровонлиги фаолиятимиз мезони! Банкнинг **миссияси** - иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи, замонавий рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича илғор техника ва технологияларни амалиётга татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатишдир.

11. Банк ўз миссиясини амалга ошириш чоғида ўз фаолиятининг кўйидаги асосий тамойилларига таянади:

а) **мижозларга бўлган ҳурмат.** Мижозларнинг ютуғи бу бизнинг ютуғимиздир. Мижозларимизга хизмат кўрсатишнинг энг юқори стандартларига интиламиз ҳамда ҳар бир мижозимизнинг манфаатларини ҳимоя қиламиз ва қадрлаймиз. Мижозларимизнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши учун барча имкониятларимизни сафарбар этамиз;

б) **ишонччилик.** Биз қаерда бўлмайдик ҳар доим банк бизнесининг барча соҳаларида адолатли фаолият юритишга ҳаракат қиламиз. Корпоратив бошқарувнинг жаҳон андозаларига мос бўлишига, акциядорлар, мижозлар

хамда ҳамкорларимиз учун банк фаолиятини шаффоф бўлишига интиламиз. Ишонч – бу, биз учун энг қимматли актив ҳисобланиб, банк обрў-эътиборини мустаҳкамловчи асосий омил ҳисобланади;

в)**етақчилик**. Биз молия бозорида барча тоифадаги мижозларимизга хизмат кўрсатиш борасида етакчи ўринларда бўлишга интиламиз. Тизимимиздаги барча ходимлар ўз ишига содиқлик, шижоатлилик, янгиликка интилувчанлик ва меҳнатсеварлиги жиҳатидан намуна бўлишга интилади;

г)**ижтимоий масъулият**. Аҳоли барча қатламларининг эҳтиёжлари ва манфаатларига алоҳида эътибор қаратилиши банк фаолиятининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Биз жамиятнинг ривожланишига, ижтимоий масалаларнинг ечимини топишга ўзимизнинг фаол ҳиссамизни кўшишга ҳаракат қиламиз;

д)**профессионалик**. Биз фаолиятимизни профессионал фаолиятнинг юқори стандартларида бўлишига интиламиз. Янгиликлар ва инновацияларни қўллаб қувватлаймиз. Мижозларга хизмат кўрсатиш борасида барча операцияларни виждонан, ўз вақтида ва қулай шартларда амалга оширамиз. Бу ўз навбатида мижозларимиз билан узоқ ва мустаҳкам муносабатларда бўлишимизни таъминлайди;

е)**янгиликка интилиш**. Мижозларга қулай ва тезкор бўлган замонавий банк хизматларини кўрсатиш мақсадида ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги сўнгги ютуқларни амалиётга доимий равишда жорий этиб боришга интиламиз;

ё)**бирдамлик**. Биз мижозларимиз ва банкимиз равнақи йўлида хизмат қиладиган шижоатли, интилувчан ва меҳнатсевар инсонлардан ташкил топган ягона жамоамиз. Турли банк соҳаларидаги мутахасисларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги, бир-бирини қўллаб-қувватлаши ҳамда ўз билими ва тажрибаларининг ўзаро алмашинуви орқали амалга оширган меҳнатлари эвазига муваффақиятларга эришамиз;

ж)**оила**. Оила жамият ва давлатни мустаҳкамловчи асосий бўғиндир. Яқинларимиз, фарзандларимиз ва ота-оналаримизга ғамхўрлик қилиш барчамизнинг мажбуриятимиз ҳисобланади. Биз қиладиган меҳнатимиз билан оилалар фаровонлигини мустаҳкамлашга ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз.

IV боб. Стратегиянинг асосий йўналишлари ва кўрсаткичлари

1-§.Стратегиянинг асосий йўналишлари

2-§.Стратегиянинг асосий кўрсаткичлари

1-§. Стратегиянинг асосий йўналишлари

12. Банк ўз олдига қўйган устувор вазифалардан келиб чиқиб, банкни стратегик режасининг асосий йўналишларини қуйидагича белгилайди:

1) банк филиалларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш, бунда республиканинг чекка ҳудудларида жойлашган филиалларга турли молиявий воситалар асосида уларни қўллаб қувватлаш ва имтиёзлар жорий қилиш;

2) миждозларга сифатли ва кенг қамровли хизматлар кўрсатиш орқали миждозлар сонини ошириб бориш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш ва уларни диверсификациялаш. Салоҳиятли миждозларни банкка жалб этишни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириб бориш;

3) банкнинг географик нуқтаи назардан кенг қамровли самарали маркетинг сиёсатини юритиш, бунда банкнинг мавқеини кўтаришга йўналтирилган реклама роликлари ва тарқатма материалларни тайёрлаш ҳамда кенг тарғибот ишларини амалга ошириш;

4) миждозларга замонавий банк хизматлари кўрсатиш, шу жумладан пластик карталар тизимини такомиллаштириш бўйича янги техника ва технологик ускуналарни босқичма - босқич жорий этиш;

5) филиаллар фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш юзасидан уларни захира электро-энергия манбалари билан таъминлашни босқичма-босқич амалга ошириш;

6) банк инфратузилмаларини хатловдан ўтказиш, бунда самарасиз инфратузилмаларни аниқлаш ва уларга салбий таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳамда соғломлаштириш;

7) даромад келтирадиган янги инфратузилмаларни ташкил этиш ҳамда ходимлар меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириб бориш. Халқаро пул ўтказмаларига хизмат кўрсатувчи шохобчалар сонини кўпайтириш;

8) банкнинг таркибий тузилмасини банк фаолиятини самарали ташкил этиш тамойилидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш;

9) банкнинг кенг қамровли тармоғини ва географик жойлашувини инобатга олган ҳолда қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал хизмат турларини, хусусан брокерлик, консалтинг ҳамда биржадан ташқари банклараро савдо тизими шохобчаларини очиш орқали янги хизмат турларини кенг жорий қилиш ва ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган ходимлар малакасини ошириб бориш;

10) банкнинг инвестиция портфелини рентабеллигини ошириш, паст рентабелли ва даромад келтирмайдиган акцияларни сотиш чораларини

кўриш. Банкнинг инвестиция портфелининг доромадлилигини Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда бўлишига эришиш;

11)банк томонидан қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция ҳамда рақобат муҳитини яхшилаш, инвестиция ва инновация лойиҳаларини молиялаштириш учун қимматли қоғозларнинг опцион, фьючерс, узок муддатли облигациялари, давлатнинг қисқа муддатли облигацияларидан унумли фойдаланишни;

12)хужжат айланиш тизимини такомиллаштириш, бунда банкнинг барча филиалларида ягона электрон хужжат айланиш тизимини яратиш. Мазкур тизимни биринчи навбатда ҳудудий бошқармалар миқёсида ва туман (шаҳар) филиалларига улаш;

13)тижорат банклари томонидан Марказий банк меъёрий хужжатларини юритиш бўйича ўрнатилган талаблардан келиб чиққан ҳолда банкнинг «Хужжат айланиш электрон дастури»га тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали банкнинг ягона меъёрий-ҳуқуқий базасини электрон дастур кўринишида яратиш;

14)банк тизимида архив ишларини олиб боришда замонавий технологияларни жорий қилган ҳолда электрон архив маълумотлар базасини жорий этиш;

15)мижозларга қулай ва сифатли хизматлар кўрсатиш мақсадида филиаллар биноларини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта реконструкция ва жорий таъмирлаш, кўркам ҳамда банкнинг имиджи ва брэндини акс эттирадиган иншоотларга айлантириш;

16)барқарор ресурс базасини шакллантириш ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини жалб этиш мақсадида омонат ва депозитларнинг янги жозибадор турларини жорий этиш, депозит сертификатлари ва субординар қарз мажбуриятларини муомалага чиқариш ҳамда банк интерактив хизматларини такомиллаштириш;

17)капиталлашув даражасини устав капиталини ўстириш ҳисобига ошириш, жами капиталнинг 2027 йил охиригача камида 1698,3 млрд. сўм миқдорда шаклланишини таъминлаш (3-илова);

18)банк фаолиятини иқтисодий-математик ва статистик услуб ҳамда моделлаштириш орқали таҳлил қилишни ишлаб чиқиш. Мижозларнинг кредитга лаёқатлигини таҳлил қилиш, уларнинг молиявий кўрсаткичларини баҳолашнинг электрон дастурий тартибини жорий қилиш;

19) тизимда қўлланилаётган дастурий тизим, иш ўринлари кўриниши ва функцияларини янада такомиллаштириш;

20) тизимида ишлатилаётган дастур таъминотларини босқичма-босқич лицензиялаштириш (Oracle 11g, MSOffice, WindowsXXX);

21) банк тизими бўйича умумлашган телекоммуникация тизимини яратиш, ҳисоб рақамлар хавфсизлигини бошқариш имконини берувчи замонавий технологияларни жорий этиш ва маълумотларни қайта ишлаш тизимини ривожлантириш, назорат ҳамда қайта ишлаш тартибини халқаро тажрибага мувофиқлаштириш йўли билан тўловлар ва пул ўтказмаларини амалга ошириш қоидаларини такомиллаштириш

22) Республиканинг барча ҳудудлари учун ягона бўлган бепул қўнғироқлар учун call-марказларини ташкил этиш;

23) банк тизимида ҳаққоний, раҳбар ходимлар томонидан электрон рақамли калитлар орқали имзоланувчи ҳужжат айланиш мажмуасини ишга тушириш;

24) миждозларга банкнинг расмий сайти орқали ўз ҳисоб рақамлари ҳолатини назорат қилиш ва тўловларни амалга ошириш имкониятини яратиш;

25) ишга қабул қилинаётган янги ходимларнинг компьютер саводхонлигини аниқлаш тизимини такомиллаштириб бориш;

26) иш унумдорлиги ҳамда сифатини яхшилаш мақсадида банк ходимларини замонавий техника (компьютер, принтер, факс) воситалари билан таъминлаш;

27) ҳудудий филиалларнинг баланс кўрсаткичларини комплекс таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириб бориш, бунда маълум бир филиалнинг баланс кўрсаткичларини (масофадан) таҳлил қилиш орқали улар фаолиятини соғломлаштириш ва барқарор фаолият юритиш юзасидан тегишли қарорларни қабул қилиш;

28) кадрлар сиёсатини кучайтириш, захира таркибига киритилган мутахассисларни ротация қилиш ишларини давом эттириш, ходимларни чет эл молия институтлари ҳамда таълим муассасаларида ўқитишни фаоллаштириш, инвестиция фаолияти масалалари билан шуғулланувчи мутахассисларни қайта тайёрлаш, банк соҳасида кадрлар тайёрлаш усулларини мунтазам такомиллаштириб бориш;

29) ходимларнинг корпоратив маданиятини оширган ҳолда хизмат кўрсатишнинг янги ғоясини жорий этиш орқали банк имиджини кўтариш;

30)банк ходимларини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, бунда малакали ва ўз ишига масъулият билан ёндашадиган ходимларни танлаш ва касб поғоналари бўйича босқичма-босқич ўстириш, йил якуни бўйича турли номинацияларни белгилаш ва уларни моддий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириб бориш;

31)рахбар лавозимларга тавсия этилаётган номзодларни намунали банк филиалларида касбий малакасини ошириб бориш тизимини такомиллаштириш. Бунда, намунали филиалларда стажировка ўташи ҳамда мазкур филиал раҳбар ходимларини алоҳида рағбатлантириш тизимини жорий қилиш;

32)кредит портфелини мониторинг қилиш тизимини кучайтириш, бунда муддати ўтган кредит маблағларини муддатидан олдин сўндириш чораларини график бўйича кўриш тизимини фаоллаштириш;

33)кредит ажратиш жараёнида мижозларнинг кредит лаёқатлилигини таҳлил қилиш, салбий кредит тарихига эга мижозларга янги кредит ажратилишининг назоратини кучайтириш бўйича электрон тизимини такомиллаштириб бориш;

34)кредит ҳужжатларини тўғри шакллантириш ва уларни бут сақланишини назарда тутувчи мавжуд тизимни ва Марказий аппаратдан туриб масофавий назорат қилиш тизимини такомиллаштириш;

35)худудий филиаллар томонидан амалга оширилаётган операциялар устидан масофавий назорат тизимини кучайтириш. Бунда, Марказий аппарат ходимлари томонидан филиал фаолиятини ўрганиш жараёнида асосий ҳужжат сифатида масофавий назорат тизими орқали олинган маълумотлардан фойдаланиш ҳамда жойларда фақат бирламчи ҳужжатлар ўрганилишини кўзда тутиш лозим;

36)банкда мавжуд таваккалчиликларни аниқлаш ва уларни бошқариш юзасидан аниқ баҳоловчи тизимни яратиш. Мазкур тизим банк амалиётларини деверсификация қилишда юзага келадиган таваккалчиликлар даражасини аниқлаш ва унга баҳо беришни ўз ичига қамраб олиши лозим;

37)интеграллашган ахборот тизимини такомиллаштириш, бунда филиалларни назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш орқали ходимларнинг бевосита иштирок этиш тизимини камайтириш;

38)молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мослаштириш чоратадбирларни амалга ошириш ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этиш ҳамда такомиллаштириш.

39)етакчи хорижий банклар ва молия институтларида бошқарувни ташкил этиш тизимини чуқур ўрганиш асосида корпоратив бошқарув усуллари, шу жумладан, хатарларни бошқариш ва ички назоратни яхшилаш усулларини такомиллаштириш;

40)банк бошқарувида SWOT, GAP таҳлиллардан кенг фойдаланиш, капитал етарлилигига бўлган талабларни кучайтиришни, кутилаётган йўқотишлар модели асосида эҳтимолий йўқотишларга захираларни шакллантиришни кўзда тутувчи Базель кўмитасининг янги тавсияларини тадбиқ этиш;

41)илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этган ҳолда кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш, шунингдек банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш;

42)банк тизимини ривожланиш ютуқларидан келиб чиққан ҳолда банк фаолиятини янада такомиллаштириш ва барқарор ривожланишини таъминловчи самарали чора-тадбирларни белгилаб бориш.

2-§. Стратегиянинг асосий кўрсаткичлари

13.Активлар. Активларнинг ҳажми ва диверсификация қилинганлик даражаси банк ҳолатига умумий баҳо берилишида асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Активларнинг йилдан-йилга ўсиб бориш тенденцияси ҳамда унинг таркибини даромадлилик, таваккалчилик жиҳатидан мақбуллаштириш масаласига катта эътибор қаратилади.

Активлар ҳажмининг барқарор ўсишига эришиш мақсадида 2027 йил охирига активлар ҳажмини 10086,7 млрд. сўмга етказиш режалаштирилган. Активларнинг ўсишида унинг таркибининг мақбуллиги ҳамда активлар сифатининг юқорилигига катта аҳамият қаратилади. Бунда кредит кўйилмалари қолдиғини 9241,7 млрд. сўмга етказиш кўзда тутилмоқда (*1-илова*).

Банк активларининг юқори даромадлилигини таъминлаш, умумий ликвидликка эришишга йўналтирилган банкнинг кредит ва инвестиция сиёсатини амалга ошириш юзасидан чоралар кўрилади.

Ўз навбатида, банк маблағларидан самарали фойдаланишнинг муҳим белгиларидан бири - бу банк умумий активлари таркибида даромад келтирмайдиган активлар улушининг мақбул ҳолатини ушлаб туриш билан биргаликда даромад келтирмайдиган активларнинг камайиб бориш тенденциясининг мавжудлиги ҳисобланади.

14.Мажбуриятлар. Банк умумий мажбуриятларини 2017-2027 йилларда 8388,4 млрд. сўмга етказилиши кўзда тутилмоқда. Ўз навбатида, банк томонидан ушбу мажбуриятларни ўз вақтида бажариш ва жорий ликвидликка эришиш учун банк активларининг сифат таркибини янада яхшилаш тадбирлари амалга оширилади (2-илова).

Банк мажбуриятларининг 2017-2027 йиллар давомида ўз вақтида бажарилиши юзасидан аниқ чоралар кўрилади. Биринчи навбатда, корпоратив мижозларнинг пул оқимлари устидан доимий мониторинг ўрнатилади.

Бунда, банк депозитлари ҳажмининг 2027 йил якунига 7419,0 млрд. сўм миқдорида бўлиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, жамғарма депозитларига маблағларни жалб қилишни фаоллаштириш, бунда янги жозибадор омонатлар ва жамғармали депозитларни жорий этиш орқали жами аҳоли омонатлари ҳамда пластик карточкалардаги маблағлар қолдиғини ошириш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда банк томонидан жисмоний ва юридик шахсларга мўлжаллаб чиқарилган депозит сертификатлари банк ресурсларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этганлигини эътиборга олиб, 2017-2027 йилларда ҳам депозит сертификатларини муомалага чиқариш ва уларни салоҳиятли мижозларга сотиш режалаштирилган.

15.Банк капитали. Капитал - банк фаолиятининг асосий молиявий таянчи бўлиб, банкнинг иқтисодий бошқариш воситасидир, шунингдек ундан омонатчилар манфаатини ҳимоя қилувчи ҳамда банк фаолияти ривожини таъминловчи манба сифатида фойдаланилади.

Банк умумий капиталини 2017-2027 йиллар давомида 1698,3 млрд. сўмга етказишни кўзда тутган ҳолда, банк капиталининг етарлилиги даражасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган иқтисодий меъёрлардан кам бўлмаган даражада сақланишини таъминлаш чоралари белгиланган (3-илова).

Банк капиталининг кўзда тутилаётган ўсишининг асосий манбаи бўлиб, 2017-2027 йиллар давомида қўшимча равишда 510,0 млрд. сўмлик акцияларни муомалага чиқариш ҳамда олинган фойда ҳисобланади. Фойдани кўпайтиришнинг муҳим йўналиши бўлиб актив ва пасивлардан мақбул даражада фойдаланиш, хусусан кредит, инвестиция ҳамда депозит сиёсатларини самарали олиб боришдан иборатдир.

16.Даромадлар ва харажатлар. Банк томонидан 2017-2027 йиллар давомида актив ва пасивларни самарали бошқариш орқали даромад ва

харажатларни мутаносиб равишда ўстирган ҳолда фойда миқдорини 2027 йилда 65,0 млрд. сўмга етказиш режалаштирилмоқда (4-илова).

Бунда, факторинг, кредит ва инвестициялардан олинадиган фоизли даромадларнинг ўсиш суръатини ошириш, ўз навбатида жалб қилинган маблағлар бўйича тўланадиган фоизли харажатларнинг мутаносиб равишда камайтириш режалаштирилган. Натижада, банк 2027 йилда 379,4 млрд. сўм миқдорида соф фоизли даромадга эга бўлади.

Банкларнинг ҳар бир операциялари маълум даражада хатар билан боғлиқлиги, яъни фойда даражаси ва хатар бир-бирига тўғри мутаносиб ўсишини ҳисобга олган ҳолда активлар бўйича 2027 йилда захира миқдорини 76,0 млрд. сўмга етказиш кўзда тутилган.

Шунингдек, 2017-2027 йиллар давомида банк инфратузилмасини янада такомиллаштириш ва мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, филиалларда реконструкция ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳамда уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади.

V боб. Молиявий стратегия

1-§. Банк ликвидлигини бошқариш стратегияси

2-§. Банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегияси

1-§. Банк ликвидлигини бошқариш стратегияси

17. Банкнинг мақбул даражада капиталлашувини, ликвидлигини унга юклатилган вазифалар ва мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилиши учун ликвидли активларни етарли даражада сақлаб туриш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилади:

а) етакчи халқаро рейтинг компанияларининг мезонларидан келиб чиқиб, ликвидлиликни бошқариш тизимини такомиллаштириш, қисқа муддатли мажбуриятларни ўз вақтида бажарилиш учун етарли даражада юқори ликвидли активларга эга бўлишини таъминлаш;

б) банкнинг ҳудудий филиалларида тўлов позициясини электрон тарзда самарали бошқариш мақсадида жорий этилган механизмни янада такомиллаштириш орқали жорий тўловларни ўз вақтида молиялаштириш;

в) талаблар ва прогнозлар асосида пул оқимларини реал вақт режимида бошқариш тизимини марказлаштирилган тартибда янада такомиллаштириш;

г) бизнес-режа ва банк фаолиятининг иқтисодий шароитига асосланиб, ресурсларга бўлган жорий ҳамда истиқболдаги эҳтиёжларини ўрганиш ва

актив ҳамда пассивларни самарали бошқариш мақсадида ликвидлилик ҳолатини мунтазам мониторинг қилиш;

д)Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро талабларга асосан банкда ликвидлилик ва капиталлашув даражасини янада ошириш, халқаро молия институтлари ҳамда хорижий банкларнинг молиявий кўрсаткичларига кўйилган талабларнинг бажарилишини таъминлаш;

е)банк ресурс базасини жадал суръатларда ошириш ҳамда мақбуллаштириш ҳисобига Ҳукуматнинг агросаноат соҳасини кўллаб-қувватлашга қаратилган инвестиция дастурларида белгиланган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштириш;

ё)банк депозит базаси таркибида муддатли депозит маблағлар салмоғини ошириш, бунда асосий эътиборни банк депозит сертификатлари ва субординар қарз мажбуриятларини салоҳиятли корпоратив мижозлар ўртасида жойлаштиришга қаратиш.

2-§. Банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегияси

18.Банкни молиявий барқарорлигини таъминлаш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги вазифалар белгиланади:

а)банк балансида кам даромадли инвестицияларни, банк фаолияти учун зарур бўлмаган ва ҳаракатсиз активларни сотиш, шунингдек ҳисобланган даромадларни ўз вақтида ундирилишини таъминлаш;

б)операцион ва бошқа харажатларни мақбул даражада бўлишини таъминлаш орқали фойда миқдорини ошириш, бунда жорий фойда ҳисобидан банк захира капиталини жадал суръатларда ўстириш;

в)халқаро банк амалиётига мувофиқ филиалларнинг операцион харажатларини қоплашни ва рационал фойдалилигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда банк тариф сиёсатини такомиллаштириб бориш;

г)ҳаракатсиз активлар бўйича етарли миқдорларда эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни қонунчиқда белгиланган тартибда яратиш, бунда банк активлари таркибида ҳаракатсиз активларнинг улушини қонунчилик талаблари асосида босқичма-босқич камайтириш бўйича зарурий чоралар кўриш;

д)кредит кўйилмаларни белгиланган меъёрлар асосида таснифлаш ва етарли миқдорларда эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни шакллантириш, кредитлар қайтарилишининг белгиланган муддатлардан ўтиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида сўндириш графиги ижросини қатъий назоратга олиш;

е)мижозларга кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтириш ҳисобига банкнинг кенг тармоқли филиалларини доимий фойда билан фаолият кўрсатишларини таъминлаш, бунда паст рентабелли ва зарар билан ишлаётган банк филиаллари ҳамда минибанклар самарадорлигини даромадлилик нуктаи назаридан чуқур таҳлил қилиш, уларни соғломлаштириш ёки фаолиятини тугатиш, ташкилий тузилмасини ўзгартириш бўйича зарурий чораларни кўриш;

ё)банк молиялаштириш базаси қийматини мақбул миқдорларда шакллантириш, бунда банк депозит базаси таркибида депозит сертификатлар улушини кенгайтириш ҳисобига кредит ва инвестицион ресурслар таннарини рақобатдош ставкалар асосида шакллантириш.

VI боб. Корпоратив бошқарув стратегияси

1-§.Банкни корпоратив асосда бошқариш

2-§.Банк таваккалчиликларини бошқариш

1-§. Банкни корпоратив асосда бошқариш

19.Жорий банк фаолиятига тааллуқли масалаларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш юзасидан янги стандартларни шакллантириш, бошқарув ҳамда кузатув органларини ҳаққоний маълумот ва ҳисоботлар билан таъминлаш жараёнларини мувофиқлаштириш ҳамда таваккалчиликларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш банкнинг самарали корпоратив бошқарувининг асоси бўлиб ҳисобланади.

Корпоратив бошқарувни такомиллаштиришда ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда корпоратив маданиятнинг шаклланиши муҳим ўрин тутди.

Корпоратив бошқарувни ривожлантириш мақсадида алоқа технологиялари тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Базель кўмитасининг банк назорати бўйича тизим барқарорлиги, ишончилиги ва шаффофлигини, корпоратив бошқарув даражасини, таваккалчиликларни баҳолаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялари банк амалиётига босқичма-босқич жорий қилинади.

4-§. Банк таваккалчиликларини бошқариш

20.Банк таваккалчиликларини самарали бошқариш бўйича асосий эътибор жорий фаолият барқарорлиги, омонатчилар ҳамда кредиторларнинг манфаатларига хавф солувчи вазиятлар ва молиявий ҳолатидаги беқарорлик белгиларини аниқлаш юзасидан қуйидагиларга қаратилади:

а) банкнинг корпоратив бошқарув тузилмаси таркибида банк Кенгашига бевосита бўйсунувчи таваккалчиликлар назоратини амалга оширувчи тегишли қўмитанинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

б) банк таваккалчиликларини бошқаришда чуқур таҳлилни амалга оширишнинг аниқ механизми, омилли таҳлилни жорий этишни кўзда тутган ҳолда, банк активлари сифатли мониторингини ташкил этиш, захираларни шакллантириш, кредит портфелини диверсификациялаш;

в) ликвидлик билан боғлиқ таваккалчиликни бошқариш тизими ҳолатини баҳолаш ва бошқаришдаги ёндашувларни, кредит операциялари ҳамда шартномаларни амалга ошириш чоғида қўлланиладиган таваккалчилик бошқарувини такомиллаштириш;

г) банкнинг иқтисодий ҳолатини умумлаштирилган асосда баҳолаш, назоратнинг сифатини яхшилаш, жорий фаолиятда юзага келадиган муаммоларни дастлабки босқичларда аниқлаш, уларни баргараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

д) филиаллар томонидан ажратилаётган кредитларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши юзасидан уларнинг масъулиятини ошириш ҳамда назорат ишларини кучайтириш, шу билан бирга кредит хатарини, унинг банк капитали ва умумий молиявий барқарорлигига таъсирини баҳолаш механизмларини кенг йўлга қўйиш ҳамда таваккалчиликни бошқаришда суғурта механизмларидан фойдаланишни таъминлаш;

е) филиаллар томонидан мижозларнинг ҳисобварақларига маблағларни ўтказиш ва кўчиришнинг ўз вақтида амалга оширилишини, айниқса жалб этилган аҳоли омонатлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизларнинг шартномада белгиланган муддатларда қайтарилиши борасидаги қонунчилик талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

ё) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ҳамда терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилишини таъминлаш;

ж) таваккалчилик ҳисоби билан банкнинг қонуний-ҳуқуқий мезонларига асосланган ўз меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини текширув-таҳлилий дастурлари ва услубий қўлланмаларини янада такомиллаштириш;

з) таваккалчиликнинг юқори даражасига эга бўлган фаолият жараёнларини баҳолаш ва текшириш, ички назорат тизими ҳамда аудит тузилмалари томонидан таваккалчиликларга таҳлилий ёндашган ҳолда аудитни амалга ошириш механизминини амалиётга татбиқ этиш.

VII боб. Яқуний қоидалар ва иловалар

1-§. Яқуний қоидалар

2-§. Иловалар

1-§. Яқуний қоидалар

21. Стратегия банк фаолиятини тезкор бошқариш бўйича тавсифий характерга эга бўлиб, асосий йўналишларини белгилайди, сиёсатларни ҳамда ҳар хил ҳисоб-китобларни тузишда минимал шартларни қўяди.

22. Стратегиядаги асосий параметрларнинг объектив сабабларга кўра кескин ўзгариши рўй берган ҳолатларда улар қайта кўриб чиқилиши ва белгиланган тартибда тасдиқланиши мумкин. Ўз навбатида, банк Бошқарувига умумий параметрларни сақлаган ҳолда айрим параметрлар доирасида Бошқарув йиғилиши қарори асосида тегишли ўзгартиришлар киритиш ваколати берилади.